



2019 yil «23» март 113 – Қ - sonli

Samarqand sh.

“AUTO UBEK” масъулияти чекланган жамиятига инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда мотель, умумий овқатланиш шохобчаси ва автомобилларга газ тўлдириш компрессори лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкаси ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “AUTO UBEK” масъулияти чекланган жамиятига мотель, умумий овқатланиш шохобчаси ва автомобилларга газ тўлдириш компрессори лойиҳасини амалга ошириш учун Булунғур тумани, Ғўбдин массивининг 173-контурдаги 2,0 гектар лалми ер майдони қуйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

мотель, умумий овқатланиш шохобчаси ва автомобилларга газ тўлдириш компрессори лойиҳасини амалга ошириш учун 1,0 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2020 йил 1 июлга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

40 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “AUTO UBEK” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 87-моддасига мувофиқ “AUTO UBEK” масъулияти чекланган жамияти ажратилаётган 2,0 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун белгиланган тартибда ҳисобланган 7748694 (етти миллион етти юз қирқ саккиз минг олти юз тўқсон тўрт) сўм маблағ вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Булунғур тумани ҳокимлиги (Б.Бахрамов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“AUTO UBEK” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини; қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ҳамда белгиланган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нурқулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов